

Бузахро БЕГМАТОВА,
Тошкент давлат шарқишунослик
университети
Араб филологияси кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди

АРАБ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИДА ЭЪРОБ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Маълумки, гап сўзлардан ва иш-ҳаракатни ифодаловчи феъллардан ташкил топади. Мана шу сўзлар эса, гапда бажараётган вазифасига кўра турли келишик ва майлларда ифодаланади. Улар ўз ўзидан мана шундай ҳолатларда турмайди, албатта бирор сабаб, яъни омил таъсирида келишикларда турланади, замон ва майлларда тусланади. Араб тилида исм ва феълларни турланиши ва тусланишига сабаб бўлувчи бир қанча омиллар мавжуд ва улар “эъроб омиллари”, деб номланди. Омилларни тадқиқ қилишдан олдин “эъроб” терминини шарҳлаб ўтсак. Маълумки, сўзларнинг турланиши ва тусланиши тилшуносликда флексия деб аталади ва у араб тилида “эъроб” термини билан номланган. Демак, эъроб умумий тилшуносликдаги флексия ходисасига тўғри келади, деб айтишимиз мумкин. Унга машҳур рус арабшуноси Б.М.Гранде қуйидагича таъриф берган: флексия – эъроб деганда сўзларнинг охириги бўғин унлисининг ўзгариши тушунилади. Исмлардаги бу ўзгариш унинг келишигини, феъллардаги (ҳозирги замон) ўзгариш эса унинг майлини ифодалайди, яъни рафъ (رفع) – исмларда бош келишикни, феълларда дарак майлини; насб (نصب) – исмларда тушум келишигини, феълларда истак майлини; жарр (جر) – исмларда қаратқич келишигини билдирса, жазм (جزم) феълларда шарт майлининг кўрсаткичи ҳисобланади. Флексия ҳақидаги илм араб грамматик

тизимининг оригиналлигини таъкидловчи ўзига хос хусусиятларидан биридир¹.

Ўрта асрларнинг машҳур тилшунос олими Маҳмуд Замахшарий (1075-1144) ўзининг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” асарида эъробга шундай таъриф беради:

«الإعراب هو اختلاف آخر الكلمة باختلاف العوامل. اختلاف الآخر اما بالحركات... و اما بالحروف»².

“Омиллар ўзгариши сабабли сўзларнинг охирида юз берадиган ўзгариш “эъроб” дейилади. Сўз охиридаги ўзгариш ё ҳаракатларда бўлади ёки ҳарфларда намоён бўлади”. Таърифлардан кўриниб турибдики, гапда бирор вазифани бажариб келаётган сўзлар турли келишик ва замонларда ифодаланади ва бу бирор сабаб туфайли рўй беради. Ўша сабаб, араб грамматикасида “омил” деб номланади ва унга Марказий Осиёдан етишиб чиққан машҳур наҳвшунос олим Абдулқоҳир Журжоний ўзининг “Наҳва юзта омил” номли асарида қуйидагича таъриф берган: омил – сўзларнинг охириги ҳарф ҳаракатини ўзгартира оладиган кўмакчи, юклама ва феъллардир³.

Шайх Мустафо Ғалайиний эса ўзининг “جامع الدروس العربية” асарида омилни шундай таърифлаган: жумлалардаги сўзларга эътибор берадиган бўлсангиз, улардан айримлари ўзидан кейин келаётган сўзга ўз таъсирни ўтказиши ва уни турли келишик ва майлларда туришини талаб қилади. Масалан, феълни оладиган бўлсак, у ўзи иштирок этаётган гапдаги эгани бош келишикда, воситасиз тўлдирувчини тушум келишигида туришига сабаб бўлаяпти ёки исмий жумладаги эгани олайлик, у хабар-от-кесимни бош келишикда туришига ўз таъсири ўтказаяпти. Шунингдек, шарт юкламалари феълни шарт майлида туришини талаб қилса, предлоглар ўзидан кейин келаётган исмларни қаратқич келишигида туришига сабаб бўлади ва мана шу ўзидан кейинги сўзга

¹ Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М.: “Восточная литература” РАН, 1998. –С. 159-292.

² محمود الزمخشري. الانموذج في النحو. ص. 2.

³ Абдулқоҳир Журжоний. Наҳва юзта омил. –Т.: ТИУ нашроти, 2014. –Б. 91.

таъсир кўрсатаётганларнинг барчаси омил, деб аталади.⁴

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, араб тилида исм ва феълларни турланиши ва тусланишига сабаб бўлувчи омиллар мавжуд ва улар “эъроб омиллари”, деб номланди. Исмларнинг келишикларда турланишига, феълларни майлларда ўзгаришига таъсир қилувчи бундай омиллар икки турга бўлинади ва улар лафзий ҳамда маънавий омиллар, деб аталади⁵. Ўз ўрнида бу омиллар яна бир неча турларга бўлинади. Масалан, лафзий омилнинг учта тури мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳарфлар, яъни олд кўмакчилар ёки юкламалар.
2. Феъллар.
3. Исмлар.

Маънавий омил эса икки турга бўлиниб, биринчиси “ал-ибтида” ёки исмни лафзий омиллардан ҳоли бўлиши, деб номланса, иккинчиси ҳозирги-келаси замон феълнинг насб (истак майли) ва жазм (шарт майли) да туришини талаб қилувчи юклама ва олмошлардан ҳоли бўлиши, деб аталади⁶.

Энди лафзий омилнинг ҳар бир турига алоҳида тўхталиб ўтсак. Маълумки, араб тилида сўз туркумларидан бири “ҳарф”, деб номланади ва у исм ҳамда феъл сўз туркумларидан фарқли равишда ўзи алоҳида ҳеч қандай маъно англатмайди. Бу сўз туркумига ўзбек тилидаги юклама, кўмакчи ва боғловчилар ҳамда рус тилидаги предлоглар киради. Кўриниб турибдики, ҳарфлар ҳам исмни ҳам феълларни ўзгаришига ўз таъсирини ўтказиши.

Исмга таъсир қилувчи ҳарфларнинг биринчиси предлоглар бўлиб, Саййид Шариф Журжонийнинг “Наҳви Мир” асарида улар қуйидагича ёритилган: Исмга таъсир қилувчиларнинг биринчиси “ҳуруфу-ж-жарр”дир. Уларнинг сони ўн еттита (ёки йигирмата)дир. Улар қуйидагилар: *بِ، مِنْ، إِلَى، عَنْ، مُنْذُ، حَتَّى، خَلَا، عَدَا،* ⁷ *سِ،* ⁸ *كُ،* ⁹ *فِي، لَ، رُبَّ، وَ، عَلَى،* ташбиҳ (ўхшатиш) ¹⁰ *كُ،* ¹¹ *عَدَا،* ¹² *كُ،* ¹³ *فِي، لَ، رُبَّ، وَ، عَلَى،*

Демак, предлоглардан кейин келган исм доимо қаратқич келишигида туради. Масалан:

⁴ الشیخ مصطفى غلايينی. جامع الدروس العربیة. بیروت، 1993. ص 218

⁵ Абдулқоҳир Журжоний. Наҳва юзта омил. –Т.: ТИУ нашрети, 2014. –Б. 11.

⁶ Саййид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б. 37.

⁷ Ўша асар. –Б. 38.

الْمَالِ لَزِيدٍ - Мол-мулк Зайдникидир. Бу мисолда Зайд сўзи тегишлилик маъносини англатувчи ل предлоги таъсирида қаратқич келишигида турибди.

Асарда предлогларнинг умумий сони ўн еттита ёки йигирмата, деб икки хил кўрсатилган, бунга сабаб, араб тилининг баъзи бир лаҳжаларида *مَنْ، لَعَلَّ، مَتَى* каби учта юкламалар ҳам жарр, яъни қаратқич келишигини талаб қилувчи олд кўмакчилар, деб ҳисобланишидир.

Исмга таъсир қилувчи ҳарфларнинг иккинчиси “ал-ҳуруфу-л-мушаббаҳа би-л-феъл”, яъни феълга ўхшаш ҳарфлар бўлиб, уларнинг сони олтитадир ва улар қуйидагилар: *إِنَّ، أَنْ، كَأَنَّ، لَكِنَّ، لَيْتَ، لَعَلَّ.*

Юқоридаги ҳуруфлар, рус ва ўзбек арабшунослари томонидан юкламалар, тўғрироғи “эгага таъсир қилувчи юкламалар” деб таржима қилинган, чунки уларнинг англатаётган маънолари юкламага тўғри келади ҳамда гапнинг эгасига таъсир қилади⁹. Ушбу юкламалар исмий жумла таркибида келганида эгани тушум келишигида, от-кесимни эса бош келишикда туришини талаб қилади. Масалан: *إِنَّ زَيْدًا قَانِمٌ* – Дарҳақиқат, Зайд турувчидир. Бу жумлада Зайд сўзини насб ҳолатида, *قَانِمٌ* сўзини рафъ ҳолатида келишининг сабаби *إِنَّ* юкламасидир. Шунинг учун ҳам эга “исму инна”, от-кесим “хабару инна”, деб номланади.

Учинчи омил *لَ* (إِنَّ) га ўхшаш ва *لَ* (إِنَّ) ва *لَ* (إِنَّ) нинг вазифасини бажарадилар. Масалан: *مَا زَيْدٌ قَانِمًا* - Зайд турмаган (турувчи эмас)¹⁰. Шу ерда эслатиб ўтишимиз керакки, *لَ* исмий жумла таркибида келиб, бўлишли гапни инкор гапга айлантириш учун ишлатиладиган ва от-кесимни тушум келишигида туришини талаб қилувчи ёрдамчи феълдир. У фақат от-кесимга таъсир қилади, исмий гапнинг эгаси эса, бош келишикда туради. *مَا* инкор юкламаси *لَ* ўрнида ишлатилганида, у ҳам от-кесимни тушумда келишини талаб қилади. Шунинг учун *مَا زَيْدٌ قَانِمًا* - Зайд турмаган, жумласида *قَانِمًا* от-

⁸ Саййид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.38; Абдулқоҳир Журжоний. Наҳва юзта омил. –Т.: ТИУ нашрети, 2014. –Б. 17.

⁹ Абдулқоҳир Журжоний. Наҳва юзта омил. –Т.: ТИУ, 2007. –Б. 186.

¹⁰ Саййид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.39; Абдулқоҳир Журжоний. Наҳва юзта омил. –Т.: ТИУ нашрети, 2014. –Б. 19.

кесим тушумда турибди. **Қолган юкламалар ҳам шу вазифани бажаради**¹¹.

Исм эъробига таъсир қилувчи омилларнинг тўртинчиси Ў мутлоқ инкор юкламаси. Агар бу юклама исмий жумла таркибида келса, эгани тушум келишигида, от-кесимни бош келишикда туришини талаб қилади. Аксарият ҳолларда унинг эгаси вазифасида музоф келади, масалан: **لَا غَلَامَ رَجُلٍ ظَرِيفٌ فِي الدَّارِ** – **Ховлида кишининг ғуломи зукко эмас**¹².

Агар Ў инкор юкламасидан кейин бирликда, ноаниқ ҳолатдаги сўз келса, у доимо фатҳа билан ҳаракатланади. Масалан: **لَا رَجُلٌ فِي الدَّارِ** – **Ховлида ҳеч ким йўқ**.

Ў инкор юкламасидан кейин аниқ ҳолатдаги от келса ва ундан кейин яна Ў юкламси аниқ ҳолатдаги от билан такрор келса, Ў нинг таъсир кучи кетади ҳамда аниқ ҳолатдаги ҳар икки от ҳам бош келишикда туради, масалан: **لَا زَيْدٌ عِنْدِي**, **وَلَا عَمْرُو** – Меникида на Зайд ва на Амр бор.

Исм эъробига таъсир қилувчи омилларнинг тўртинчиси Ў мутлоқ инкор юкламаси. Агар бу юклама исмий жумла таркибида келса, эгани тушум келишигида, от-кесимни бош келишикда туришини талаб қилади. Аксарият ҳолларда унинг эгаси вазифасида музоф келади, масалан: **لَا غَلَامَ رَجُلٍ ظَرِيفٌ فِي الدَّارِ** – **Ховлида кишининг ғуломи зукко эмас**¹³.

Агар Ў инкор юкламасидан кейин бирликда, ноаниқ ҳолатдаги сўз келса, у доимо фатҳа билан ҳаракатланади. Масалан: **لَا رَجُلٌ فِي الدَّارِ** – **Ховлида ҳеч ким йўқ**.

Ў инкор юкламасидан кейин аниқ ҳолатдаги от келса ва ундан кейин яна Ў юкламси аниқ ҳолатдаги от билан такрор келса, Ў нинг таъсир кучи кетади ҳамда аниқ ҳолатдаги ҳар икки от ҳам бош келишикда туради, масалан: **لَا زَيْدٌ عِنْدِي**, **وَلَا عَمْرُو** – Меникида на Зайд ва на Амр бор. Бешинчи омил ундов юкламаларидир. :Уларнинг сони бешта бўлиб, қуйидагилардир. **يَا، أَيُّهَا، هَيْ، وَأَيُّ، أ.**

Бу юкламалардан кейинги ундалма изофа ҳолатида бўлса, унинг музофи тушум келишигида туради, масалан: **يَا عَبْدَ اللَّهِ** – Эй Абдуллоҳ!

Агар ундов юкламаларидан кейинги ундалма атоқли от бўлса ё сўзловчига яқин,

¹¹ Саййид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.39.

¹² Саййид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.39. .

¹³ Ўша асар, ўша бет.

кўзига кўринадиган масофадаги муайян шахсга қаратилган ва бир сўздан иборат бўлса, артиклсиз, танвинсиз, бош келишикда бўлади¹⁴:

يَا زَيْدُ، يَا زَيْدَانِ، يَا مُسْلِمُونَ، يَا مُوسَى، يَا قَاضِي.

Исмнинг турланишига таъсир қилувчи лафзий омилларнинг иккинчи тури феъллар бўлиб, улар араб тилида ўтимли ва ўтимсиз деб номланувчи икки турга бўлинади. Феъллар ҳоҳ ўтимли, ҳоҳ ўтимсиз бўлсин эгани бош келишикда туришини талаб қилади, яъни эганинг бош келишикда ифодаланишига феъл омил бўлади¹⁵. Масалан: **قَامَ زَيْدٌ** - Зайд турди. Ўтимли феъл араб тилида “феълун мутаъаддийун” деб аталади ва у ўтимсиз феъл (феълун лазимун)дан фаркли равишда воситасиз тўлдирувчини тушум келишигида туришини талаб қилади. Масалан: **ضَرَبَ زَيْدٌ عَمْرًا** - Зайд Амрни урди.

Исмларнинг келишигига таъсир қилувчи феълларга мажҳул даражадаги феъллар ҳам киради. Араб тили грамматикасида мажҳул даражадаги феъл эга (фоъил)нинг ўрнига ўз воситасиз тўлдирувчисини бош келишикда ва қолган бўлакларни тушумда туришини талаб қилади. Масалан: **ضَرَبَ زَيْدٌ يَوْمَ الْجُمُعَةِ، أَمَامَ الْأَمِيرِ**, **ضَرَبَ زَيْدٌ شَيْدًا، فِي دَارِهِ، تَأْدِيًّا، وَالْخَشْبَةَ** - Зайд жума куни ўз ҳовлисида, амир олдида, одоб бериш мақсадида ёғоч билан каттиқ саваланди¹⁶. Бу жумлада “Зайд” сўзи мажҳул даража феъл таъсирида бош келишикда ифодаланди ва у шу гапнинг грамматик эгаси, наҳвга кўра эса “ноъибу-л-фоъил” вазифасини бажараяпти.

Маълумки, араб тилида “ноқис феъллар” деб аталувчи феъллар мавжуд ва улар ҳам исмни келишигига таъсир қилади¹⁷. Ноқис феъллар таркибига қуйидагилар киради:

كَانَ، وَصَارَ، وَظَلَّ، وَبَاتَ، وَأَصْبَحَ، وَأَضْحَى، وَأَمْسَى، وَعَادَ، وَأَضَ، وَعَدَا، وَرَاحَ، وَمَا زَالَ، وَمَا اثْقَلُ، وَمَا بَرَحَ، وَمَا فَتِيَ، وَمَا دَامَ، وَلَيْسَ، (وَاسْتَحَالَ، وَقَعَدَ، وَحَارَ).

¹⁴ Саййид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.41.

¹⁵ Ўша асар. –Б.46.

¹⁶ Саййид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.50.

¹⁷ الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993. ص. 230.

Ушбу феъллар исмий жумла таркибида ишлатилганида, муснад илайх, яъни эга (мубтада)ни бош келишиқда ва муснадни, яъни от-кесим (хабар)ни тушум келишиғида туришини талаб қилади¹⁸. Масалан: *كَانَ زَيْدٌ قَائِمًا* - Зайд тик турган эди.

Бу каби жумлаларда бош келишиқдаги эга *كَانَ*нинг исми, тушум келишиғидаги от-кесим эса *كَانَ*нинг хабари деб номланади.

Маълумки, араб тилида шундай исмлар борки, улар бошқа исмни келишиқда турланишига сабаб бўлади. Исмнинг турланишига таъсир қилувчи лафзий омилларнинг учинчи тури айнин шундай исмларга бағишланган.

Исмнинг келишиғи таъсир қилувчи исмлардан биринчиси ўтган замон феъли маъносидаги сўзлардир. Араб тилида шундай сўзлар борки, улар аслида исм сўз туркумига киради, аммо ўтган замон феълнинг маъносини англатади. Бу сўзларга *هَيَّاهُ* “узоқ” “узоқ бўлди” маъносида, *شَتَّاهُ* “фарқ” “фарқ қилди” маъносида, *سَرَّاهُ* “тез, тезлик билан” “тез бўлди, шошди” маъносидаги сўзлар кириб, жумла фоъили, яъни эгани бош келишиқда туришини талаб қилади¹⁹. Масалан: *هَيَّاهُ يَوْمَ الْعِيدِ* - Байрам куни узоқдир.

Изофа бирикмасининг музофи ҳам турланишга сабаб бўлади. У ўзидан кейинги музоф илайҳини қаратқич келишиғида туришини талаб қилади. Масалан: *جَاءَنِي غَلَامٌ زَيْدٌ* - Меникига Зайднинг хизматкори келди. Мисолдаги изофада аслида тақдирда “*ل*” олд кўмакчиси бор. У бирикма таркибидан тушириб қолдирилган, лекин шундай бўлсада, маъноси сақлаб қолинган. Юқорида келтирилган мисолдаги изофа аслида “*غَلَامٌ لَزَيْدٍ*” бўлган, сўнгра олд кўмакчи тушириб қолдирилган.

Изофа бирикмасининг музофи ҳам турланишга сабаб бўлади. У ўзидан кейинги музоф илайҳини қаратқич келишиғида туришини талаб қилади. Масалан: *جَاءَنِي غَلَامٌ زَيْدٌ* - Меникига Зайднинг хизматкори келди. Мисолдаги изофада аслида тақдирда “*ل*” олд кўмакчиси бор. У бирикма таркибидан тушириб қолдирилган, лекин шундай бўлсада, маъноси сақлаб қолинган. Юқорида келтирилган мисолдаги изофа аслида “*غَلَامٌ لَزَيْدٍ*” бўлган, сўнгра олд кўмакчи тушириб қолдирилган.

¹⁸ الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993. ص. 231.

¹⁹ Саййид Шариф Журжоний. Нахви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.57.

Юқорида маълумот бериб ўтганимиздек, исмларни турланишига сабаб бўлувчи омиллар билан бир қаторда феълларни тусланишига таъсир қилувчи омиллар ҳам мавжуд бўлиб, бу омиллар ҳам лафзий ва маънавий каби турларга бўлинади. Аввал лафзий омиллар тўғрисида маълумот бериб ўтсак, феъл эъробига таъсир қилувчи лафзий омиллар ҳарф ва феъллардир. Исм феълни тусланишига омил бўла олмайди. Лафзий омилларни юқоридаги кетма-кетликда тадқиқ қилиб ўтамиз. Ҳарф сўз туркумининг феъл эъробига таъсир қилувчи омиллари икки қисмга бўлинади. Биринчиси ҳозирги-келаси замон феълни истак майлида туришини талаб қилувчи юкламалардир ва уларнинг асосийлари тўртта бўлиб, қуйидагилардир: *أَنْ* юкламаси. Бу юклама хоҳиш, истак, имконият, рухсат, илтимос каби муносабатларни билдирувчи модал сўзлардан кейин ишлатилади. Масалан: *أَرِيدُ أَنْ تَقُومَ* - Туришингни хоҳлайман.

لَنْ юклама иш-ҳаракатни келгусида бўлишини қатъий инкор этади. Масалан: *لَنْ يَخْرُجَ* - Зайд умуман чиқмайди²⁰. *كَيْ* - Бу юклама “учун” маъносини ифодалайди, мақсад эргаш гапни бош гапга боғлайди²¹. Масалан: “Таълим олиш учун келдим” *جئتُ لِكَيْ أتعلمَ*.

إِذَنْ юклама боғловчи. Агар у сабаб-оқибат муносабатларини ифода этиш учун ишлатиладиган бўлсагина ўзидан кейинги феълни истак майлида туришини талаб қилади. Масалан: *أَنَا آتِيكَ غَدًا - إِذَنْ أَكْرَمَكَ* - Кечқурун олдингга келаман, унда сенга иззат-икром кўрсатаман²².

Феъл эъробига таъсир қилувчи ҳарфларнинг иккинчиси “*الْحُرُوفُ الْجَارِمَةُ لِلْفِعْلِ الْمُضَارِعِ*”, яъни “Ҳозирги-келаси замон феълни шарт майлида туришини талаб қилувчи юкламалар”дир **ва улар** қуйидагилар:

1. *لَمْ* юкламаси. Бу юклама иш-ҳаракатни содир бўлмаганини таъкидлайди. Юкламадан кейин турган феъл шарт майлида турсада маъноси ўтган замонни англатади. Масалан: *لَمْ يَنْصُرْ* - Ёрдам бермади.

2. *لَمَّا* юкламаси иш-ҳаракатни ҳали содир бўлмаганини, аммо содир бўлиши кутилаётганини англатади. Масалан: *لَمَّا يَنْصُرْ* - У ҳали ёрдам бермади.

²⁰ Абдулқохир Журжоний. Нахвда юзта омил. –Т.: ТИУ, 2014. –Б. 53.

²¹ Ўша асар. –Б. 54.

²² Абдулқохир Журжоний. Нахвда юзта омил. –Т.: ТИУ, 2014. –Б. 54; Саййид Шариф Журжоний. Нахви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.42.

3. ل, буйруқ-истак майлини ҳосил қилувчи “ل” юкламаси. Маълумки, буйруқ иккинчи шахсга берилади. Учинчи шахсга тўғридан тўғри буйруқ бериб бўлмаслиги учун, у бирор кимса орқали етказилади ва энди у буйруқ-истак майлига ўзгаради. Араб тилида бу майл “ل” юкламаси ёрдамида ифодаланади, масалан: لِيُنْصُرُ – У ёрдам берсин.

4. لا юкламаси. Буйруқ майлининг бўлишсиз формасини ҳосил қилувчи “لا” юкламаси ҳам феълни жазм ҳолатида туришини талаб қилади, масалан: لا تَنْصُرُ - Ёрдам берма.

5. اِنْ юкламаси, масалан: اِنْ تَنْصُرُ اُنْصُرُ - Агар ёрдам берсанг, ёрдам бераман²³.

Маълумки, араб тилида шундай феъллар борки, улар бошқа феълни эъробига ўз таъсирини ўтказади. Феълларни майлларда ўзгаришига сабаб бўлувчи омилларнинг кейингиси айнан шундай феъллар ва улар “Нахви Мир” асарида қуйидагича баён қилинган: “Ноқис феъллар” таркибига кирувчи گَانَ феъли “заид”, яъни “орттирилган” деб ҳам номланади. Бунда у феълий жумла таркибида асосий феъл билан келиб, гапда ёрдамчи феъл вазифасини бажаради ва асосий феълни ўтган замонда ёки ҳозирги-келаси замоннинг рафъ ҳолатида туришини талаб қилади. Агар “كَانَ” ва асосий феъл ўтган замонда ифодаланса, ўтган замонда тугалланган иш-ҳаракатни ифодалайди, масалан: كان احمد قرأ النص - Аҳмад матни ўқиган эди.

“كَانَ”нинг ўтган замони, асосий феълни ҳозирги-келаси замон рафъ шаклида ифодаланишини талаб қилса, ўтган замонда тугалланмаган иш-ҳаракатни ифодалайди. Масалан: كنا نتعلم العربية - Араб тилини ўрганаётган эдик.

“كَانَ” ва асосий феълнинг ҳозирги-келаси замон рафъ ҳолатида ифодаланиши, тугалланмаган иш-ҳаракатни англатади. Масалан:

يكون أخوك يدرس في الرياض –Аканг (ё уканг) Ар-Риёдда ўқиётган бўлади.

Араб тилида “أَفْعَالُ الْمُقَارَبَةِ” деб номланувчи ёрдамчи феъллар мавжуд ва улар қуйидагилар: عَسَى، وَكَذَلِكَ، وَأَوْشَكَ.

Ушбу феъллар كَانَ ва унга ўхшаш феъллар каби ёрдамчи феъл вазифасида келади ва

асосий феълга қўшимча маъно беради, яъни иш-ҳаракатнинг бажарилиш арафасида турганлигини (أَوْشَكَ ва كَانَ) ёки амалга ошиш эҳтимоли борлигини (عَسَى) билдиради. Агар муқораба феъллари исмий жумла таркибида келса (шу ўринда кесими феъл билан ифодалансада, эгадан кейин турган гап ҳам араб наҳвида худди кесими исм билан ифодаланган жумла каби “исмий жумла” деб номланишини эслатиб ўтишимиз керак) كَانَга ўхшаб эгани бош келишида, ҳозирги-келаси замонда турган кесимни اِنْ юкламаси билан насб ҳолатида, яъни истак майлида туришини талаб қилади. Масалан: عَسَى زَيْدٌ أَنْ يَخْرُجَ - Эҳтимол Зайд чиқиб қолар (чиқар). Гапда اِنْ юкламаси тушиб қолиши ҳам мумкин. Масалан: عَسَى زَيْدٌ يَخْرُجُ - Эҳтимол Зайд чиқиб қолар.

Юқорида маълумот бериб ўтганимиздек, лафзий омиллар таркибига ҳарф, феъл ва исм сўз туркумлари киради. Феълларни майлларда ўзгаришига лафзий омилнинг фақат икки тури, яъни ҳарф ва феъл сабаб бўла олади, исм эса феъл эъробига таъсир қилмайди.

Феъл эъробига сабаб бўлувчи маънавий омил ҳақида маълумот берадиган бўлсак, у араб наҳвида “خُلُوُ الْفِعْلِ الْمُضَارِعِ مِنَ النَّاصِبِ وَالْجَارِمِ” - ҳозирги-келаси замон феълнинг насб ва жазм юкламаларидан ҳоли бўлиши, деб аталади ва шундай баён қилинади: Ҳозирги-келаси замон феъллари, уларни шарт ва истак майлида туришини талаб қилувчи омиллардан ҳоли бўлади. Бу эса, ўз навбатида уларни дарак майлида туришини талаб қилади. Масалан: يَضْرِبُ زَيْدٌ – Зайд калтакляпти. يَضْرِبُ феъли уни шарт ва истак майлида туришини талаб қилувчи омиллардан ҳолидир ва шунинг учун ҳам дарак майлида турибди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, араб наҳвида исмларни турланишига ва феълларни тусланишига сабаб бўлувчи омиллар мавжуд. Бу омиллар лафзий ва маънавий каби турларга бўлинади. Ҳар икки омил ҳам ўз ўрнида яна турларга бўлинади. Омил вазифасини асосан ҳарф сўз туркуми бажаради. Шунингдек, исм ва феъллар ҳам омил вазифасини бажаради ва улар асосан исмларни турланишига ўз таъсирини ўтказади. Феълларни тусланишида юклама ва айрим феъллар асосий омил ҳисобланади, аммо исм феълларни ўзгаришига ўз таъсирини ўтказа олмайди.

²³ Абдулқохир Журжоний. Наҳва юзта омил. –Т.: ТИУ, 2014. –Б. 55.